

## **Танловга: Мұхаммад алайхис салом насабларининг покликда мукаммалиги**

15:31 / 19.04.2017 2530

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтадилар: “Пайғамбар алайхиссалом: **“Мен жоҳилият бузуқлигининг ҳеч бирида туғилмаганман, фақат ислом никоҳи билан туғилганман”** деб айтдилар”.

Ҳишом ибн Мұхаммад ал-Калбий оталаридан ривоят қиласидилар: “Мен Пайғамбар алайхиссаломнинг 500 та оналарини ёзиб чиқдим. Уларнинг орасида бирор зинокорни ҳам, жоҳилият ишларидан бўлган бирор нарса ҳам кўрмадим”.

Алий каррамаллоҳу важҳаҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайхиссалом: “Мен никоҳдан дунёга келганман, зинодан эмас. Одам алайхиссаломдан бошлаб то ота-онамдан туғилгунимга қадар жоҳилият аҳлининг бузуқликларидан бирортаси менга етмаган”, деб айтдилар”.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумадан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайхиссалом “Ота-онам ҳеч қачон зино қилмаганлар. Аллоҳ таоло мени пок сулблардан (яъни ота-боболаримнинг сулбларидан) покиза раҳмларга (яъни она-момоларимнинг раҳмларига ) кўчириб келди. Улар икки шоҳобчага бўлинган, мен уларнинг энг яхшисидаман”, деб айтдилар”.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“أَنْ مَكْسُوفَنَا لَوْسُرْ مَكْعَاجْ دَقْلْ (Лақод жаа акум мин анфусикум) ни қироъат қилиб, (Анфусикум) нинг “**фо**”сини фатҳали **مَكْسُوفَنَا** (яъни, Анфасакум) қилиб ўқидилар-да, “Мен сизларнинг ичингизда насабда, қариндош-уруғчиликда ҳамда аслзодаликда энг намуналигингизман. Одам алайхиссаломдан бери бўлган ота-боболарим ичида бирорта зино бўлмаган”, деб айтдилар”.

Мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳо Пайғамбар алайхиссаломдан, у зот Жаброил алайхиссаломдан ривоят қиласидилар: “Ер юзининг машриқу мағрибини кўриб чиқдим. Лекин Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан афзалроқ кишини ҳамда Ҳошим уруғидан афзалроқ ота уруғини кўрмадим”, дедилар”[\[1\]](#).

“Саҳиҳул Бухорий”да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайҳиссалом: “Мен Одам алайҳиссалом зурриётларининг энг яхши наслидан пайғамбар қилиб юборилдим. Бу ҳолат то ҳозирги наслимдан бўлгунимга қадар наслма-насл давом этган”, дедилар”.

“Саҳиҳул Муслим”да Восил ибн Асқоъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайҳиссалом: “Аллоҳ таоло Исмоил зурриётидан Кинонани танлади. Кинонадан Қурайшни, Қурайшдан эса Бану Ҳошимни, Бану Ҳошимдан мени танлаб олди”, дедилар”.

Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайҳиссалом “Аллоҳ таоло маҳлуқотларни яратиб, мени бутун фирмаларнинг ҳам энг яхиси, икки фирманинг ҳам энг яхиси қилди. Сўнгра қабилаларни ихтиёр қилди. Мени энг яхши қабиладан қилди. Сўнгра оиласи ихтиёр қилди. Ва мени ана шу оиласарнинг энг яхисидан қилди. Мен уларнинг ҳам нафси (яъни жони, зоти) жиҳатидан ҳам оила жиҳатидан энг яхисиман”, дедилар”.[\[2\]](#)

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таоло маҳлуқот яратишни ирода қилиб, улар орасидан Одам зурриётини танлади. Сўнгра Одам зурриёти орасидан арабларни танлади. Сўнгра ана шу араблардан мени танлади. Кейин мен уларнинг яхшиларидан сараланиб келганман. Ким арабларни яхши кўрса, албатта мен яхши кўрганим учун яхши кўради. Ким уларни ёмон кўрса, мен ёмон кўрганим учун ёмон кўради”, дедилар”.

Шуни билишимиз лозимки, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ака-ука ёки опасингиллари бўлган эмас. Бунинг боиси, ота-оналарининг софлиги, яхшилиги фақат у зотгагина ўтмоғи ҳамда ота-оналарининг наслаблари ҳам ёлғиз ўзлари билан чекланмоғи учундир. Токи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло пайғамбарликка хос, энг юқори шарафга мос қилиб танлаган наслабга хослансинлар. Агар сиз Пайғамбар алайҳиссаломнинг наслабарининг ҳолатини ўргансангиз, нақадар пок ҳолатда туғилганларини билсангиз, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олийжаноб оталар сулоласидан эканларига ишончингиз комил бўлади. Пайғамбар алайҳиссалом араб миллатига мансуб бўлиб, абтоҳлик [\[3\]](#), ҳарамлик[\[4\]](#), ҳошимийлик[\[5\]](#) ва қурайшийликдирлар[\[6\]](#).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

- 1. Арабларнинг энг яхшиларидан танлангани.

- 2. Насабда энг тозаси.
- 3. Аслзодаликда энг шарафлиси.
- 4. Дарахти энг гуллагани.
- 5. Устуни энг баланди.
- 6. Зоти жиҳатидан энг покизаси.
- 7. Ўзаги ва илдизи энг бақуввати.
- 8. Тили энг фасоҳатлиси.
- 9. Баёни энг равшанроғи.
- 10. Тарозида энг оғир келадигани.
- 11. Иймони энг тӯғриси.
- 12. Битта одам эътиборидан бўладими ёки жамоа эътиборидан бўлсин ота-она тарафидан энг азизи ва энг мукаррами ҳисобланганлар.

Шунингдек, у зот Аллоҳ таолога энг азиз ўлка Маккада бўлганлар.

Бу ҳақида ҳофиз, муҳаддис Шамсиддин ибн Носириддин Димашқий нақадар гўзал сўзлар айтган:

Муҳаммад ҳурматидан сақлади Аллоҳ улуғ ота-боболарини,

Зинони тарк қилдилар, муҳофаза қилиб Ул зот шарафини

Одам алайҳис саломдан ота-оналаригача етмади шармандалик.

“Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ал-инсон ал-комил” (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам комил инсон) китобидан **Фиёсиддин Ҳабибуллоҳ** таржимаси.

[\[1\]](#) Байҳақий, Табароний “ал-Авсат”да ва Ибн Асокир ривоят қилганлар.

[\[3\]](#) Макка билан Мино орасидаги сел оқадиган кенг жой. Макканинг шарқий томонида.

[\[4\]](#) Маккайи мукаррама.

[\[5\]](#) Яъни Ҳошимий уруғидан.

[\[6\]](#) Яъни Қурайш қабиласидан.